

3/3 - сонли  
**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ**

Тошкент ш.

«21» 01 2022й.

«Ўздавзахира» кўмитаси номидан раис М.М. Курбанов бундан буён матнда «СОТУВЧИ» деб аталувчи, Низомига асосан фаолият юритувчи бир томондан ва Давлат божхона кўмитаси Марказий божхона лабораторияси номидан, Б. Караматов бундан буён матнда «ХАРИДОР» деб аталувчи, биргаликда «Томонлар» деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 январдаги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Давлат божхона кўмитасининг 2022 йил 20 январдаги 7-16854/22-сонли хатига асосан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 январдаги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, «СОТУВЧИ» қуйидаги рўйхатда келтирилган моддий бойликларини «ХАРИДОР»га топшириш, «ХАРИДОР» эса маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Т/р	Моддий бойликлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси (сўмда)
1	Бир маротабалик қўлқоплар 411	жуфт	30 000	2 625,00	78 750 000,00
2	Антисептик 1,0 литр 413	дона	1 200	19 999,00	23 998 800,00
	<b>ЖАМИ</b>				<b>102 748 800,00</b>

**2. ШАРТНОМА СУММАСИ**

2.1. Шартнома бўйича маҳсулотни умумий киймати **102 748 800,00 (бир юз икки миллион етти юз қирк саккиз минг саккиз юз сўм 00 тийин)** сўмни ташкил қилади.

2.2. Шартнома бўйича маҳсулотни нархи аниқ ҳисобланади ва уни ушбу шартнома амал қилингунга қадар ўзгартириш мумкин эмас.

2.3. Шартномада кўрсатилган нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 декабрдаги топшириғига асосан сотиб олинган нархларда кўрсатилган.

**3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ**

3.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг 5 кун ичида «ХАРИДОР» шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган сумманинг 30% миқдорини пул ўтказиш йўли билан «СОТУВЧИ»нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлайди.

3.2 «ХАРИДОР» шартномада кўрсатилган сумманинг қолган 70 % миқдорини 15 кун ичида товарни ҳар бир жўнатилган қисмини тасдиқловчи счет-фактурага томонлар имзо қўйиб тасдиқлангандан кейин, олдиндан қилинган 30 % тўловни чегириб олган ҳолда ўтказилади.

3.3. «ХАРИДОР» маҳсулотни ўз транспортида олиб кетади.

**4. МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Маҳсулотларнинг якуний қабул қилиниши «СОТУВЧИ» ташкилотнинг пунктида миқдор ва тўлиқлик бўйича қайта санокдан ўтказиш ёки вазнини тортиш йўли билан амалга оширилади. Маҳсулотнинг қабул қилиниши, юк хатининг имзоланиши ва «ХАРИДОР» томонидан қабул қилинишидан сўнг «СОТУВЧИ» ташкилот «ХАРИДОР»дан маҳсулотнинг миқдори, тўлиқлиги, сифати ва маҳсулот кутисининг ташқи кўриниши бўйича эътирозларни қабул қилмайди, маҳсулотнинг сифати бўйича ваколатли лабораторияларнинг таҳлиллари бундан мустасно.

4.2. «ХАРИДОР» маҳсулотларни «СОТУВЧИ»нинг хатига асосан шартнома имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида олиб чиқиб кетиши лозим.

**5. МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИ**

5.1. Маҳсулотнинг сифати, маркировкаси, ўрами Ўзбекистон Республикасида амалдаги стандартлар талабларига ва техник шартларга жавоб бериши лозим.

5.2. Сотиладиган маҳсулот ҳар бир турининг сифати мувофиқлик сертификати билан тасдиқланади ва «ХАРИДОР»нинг талаби билан ушбу сертификат нусхаси берилади.

**6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Маҳсулотларнинг нархи ўзгарган тақдирда, «СОТУВЧИ» «ХАРИДОР»га маҳсулотнинг ўзгарган нархи тўғрисида 10 кун ичида хабар бериш мажбуриятини олади.

6.2. «СОТУВЧИ» «ХАРИДОР»ни сотилаётган маҳсулотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг тегишли қарори қабул қилинган тақдирда, маҳсулотни (тўлиқ ёки қисман) сотиш мумкин эмаслиги тўғрисида харидорни хабардор қилиши шарт.

- 6.3. «ХАРИДОР» маҳсулот учун тўловни шартномани 3.1 бандида белгиланган муддатда тўлаши шарт.
- 6.4. «ХАРИДОР» «СОТУВЧИ» томонидан тузилган Наряднинг амал қилиш муддати давомида тегишли сақлаш жойидан маҳсулотларни мустақил равишда қабул қилиши ва олиб чиқиб кетиши шарт.
- 6.5. Агар «ХАРИДОР» шартнома мажбуриятларини нотўғри бажарган бўлса, «СОТУВЧИ» ўз банк ҳисоб-рақамига маҳсулот учун тўланган пул маблағларидан жарима миқдорини ушлаб қолишга ҳақлидир.
- 6.6. Маҳсулот учун «ХАРИДОР» ўз вақтида тўловларни амалга оширмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун тўланмай қолган пул миқдорининг 0,4% миқдориди, лекин тўланмасдан қолган сумманинг 50 % ошмаслик шарти билан пеня тўлайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу енгиб болмас ҳолатлар: харбий ҳаракатлар, табиий офатлар, зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа ғайритабиий ҳодисалар бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳукумат қарорлари ва томонларнинг назоратида бўлмаган бошқа ҳолатлар бўлса.

Бундай ҳолда, шартларни бажариш бундай ҳолатлар амал қилган вақтга қолдирилади.

Ваколатли органлар томонидан берилган форс-мажор ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатлар, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

## 8. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ушбу шартнома шартларини бажариш бўйича томонлар бир-бирига юборган талабнома, талабнома олинган кундан бошлаб ўн беш кун муддат ичида қўриб чиқиши лозим.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

## 9. БОШҚА ХОЛАТЛАР

9.1. Шартномага киритилмаган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат икки томонлама ёзма равишда келишувга эришилган тақдирда кучга эга.

9.2. Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиниши фақат икки томонлама келишув орқали амалга оширилади. Агар томонлар келишувга эриша олмасалар суд орқали бекор қилинади.

9.3. Ушбу шартнома ўзбек тилида, икки нусхада тузилган бўлиб бир хил юридик кучга эга. Шартномани биринчи нусхаси «СОТУВЧИ»да иккинчиси эса «ХАРИДОР»да сақланади.

9.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги Ҳазначилиги томонидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

## 10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

10.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

10.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;



б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

10.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;
- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;
- уларни фақат тарафнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;
- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

10.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

10.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 10.4. ва 10.5.-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

### «СОТУВЧИ»

“Ўздавзахира” қўмитаси

Тошкент шаҳри, Халқабод кўчаси  
17а уй, х/р 23416000600101000001  
ЎзР Марказий банки Тошкент ш.  
бош бошқармаси Ҳисоб-китоб  
касса маркази (ЎзР МБ  
Тошкент ш. бош бошқармаси  
ҲККМ), МФО 00014  
ИНН 201 059 473



М.М. Курбанов

### «ХАРИДОР»

Давлат божхона қўмитаси  
Марказий божхона  
лабораторияси

Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси 3 уй  
Х/р: 20203000905462979002  
АТ «Алфобанк» бош офиси  
МФО:  
ИНН:



Б.Караматов

Бош қўмитаси раиси А.Қўсқубаев

bs

